Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 30-noyabr, shanba № 145 (3338)

**Иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили.**

*Ислом КАРИМОВ*

# Оқсаройда қабул

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябр куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларда муҳим ўрин тутиши, очиқ ва дўстона фикр алмашиш, турли йўналишлардаги, жумладан, халқаро миқёсда ва минтақа доирасидаги ўзаро ҳамкорликка оид асосий масалаларни муҳокама этиш имконини бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия бир-бири учун ҳар доим очиқлиги, қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари юксак қадрланиши қайд этилди.

Шу йилнинг апрел ойида Москвада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашувининг салмоқли натижалари ва унинг асносида имзоланган икки томонлама қатор ҳужжатлар хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларида давлатлараро муносабатларни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида жаҳон молиявий инқирози давом этаётганига қарамай, томонлар ўзаро савдо-сотиқнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришгани ва 2012 йилда унинг ҳажми 12 фоиздан кўпроқ ошиб, 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Россия ҳукумати Раиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Россия раҳбарияти ўзаро ишонч, давлатларимиз ва халқларимиз олдида турган узоқ муддатли мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон билан серқирра ҳамкорликни давом эттириш ва мустаҳкамлаш борасида бундан буён ҳам ҳамжиҳатликда иш олиб бориш тарафдори эканини таъкидлади.

**ЎзА**

# ШҲТ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси

**Тошкент шаҳрида 29 ноябр куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Аҳметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Жонтўра Сотиболдиев, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзоданинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн ҳам иштирок этди.**

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, аъзо давлатлар ўртасида 2007 йилда имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШҲТ қисқа муддатда жадал ривожланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида ШҲТ ҳудудида замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда 2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари режасининг ижросини кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарларининг жорий йил 23 октябр куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мазкур дастур ва тадбирлар режасини бажариш бўйича келишиб олинган эди.

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШҲТ Банклараро бирлашмаси кенгаши раислари, кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Халилий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг миллий хавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзер, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Н.Линь қатнашди.

Мажлис иштирокчилари ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳоладилар. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида ШҲТ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизациялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ШҲТга аъзо давлатларнинг ишбилармон доиралари ва молиявий тузилмалари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштиришни тавсия этдилар.

*(Давоми 2-саҳифада).*

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг учрашуви бўлиб ўтди.***

# Ҳужжатлар имзоланди

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июн ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябр ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида маданий-гуманитар, ахборот алмашинуви, шаҳарлараро алоқалар, кичик бизнес, темир йўл қурилиши соҳаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

**ЎзА**



***Қарши шаҳридаги «Асадбек бизнес наво» масъулияти чекланган жамиятининг колбаса цехида яна беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

2010 йилда ташкил этилган цехда ўндан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланган. Айни пайтга қадар бу ерда колбасанинг уч тури ишлаб чиқарилар эди. Эндиликда маҳсулот тури кўпайтирилиб, Қарши шаҳри, Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод туманлари аҳолисига етказиб берилмоқда.

— 2013 йилда 150 миллион сўм кредит маблағи эвазига Германиядан бир кунда 1 тонна гўшт маҳсулотини қайта ишлаш қувватига эга замонавий технология келтирилди, — дейди цех бошлиғи Аҳрор Ёрхолов.

**Суратда:** *ишчи Алибек Ражабов.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## Ўқувдан сўнг

# Самарали сабоқлар

***ЎзКУФК Ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги туман, шаҳар кенгашлари раислари ўқувида қатнашдим. Бир ҳафта давомида бугунги куннинг долзарб масалалари бўйича соҳа мутахассислари ўтказган дарс машғулотлари гўё ташна одамга чашма сувидек бўлди. Хусусан, 2013 йил тизимда «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши ва бунинг мазмун-моҳияти, бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ишларини намунали тарзда ташкил этиш бўйича тавсиялар тасаввуримизни янада бойитди.***

Ўқув жараёнида туман ва шаҳар кенгашлари олдидаги вазифаларга батафсил тўхталиб ўтилди. Айниқса, фаолиятни Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш, даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, маблағларни сарфлашда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари, жамоа шартномалари ва келишувлари, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида касаба уюшмаларининг вазифалари, меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш ва бошқа қатор долзарб йўналишлардаги машғулотлар айни муддао бўлди. Муболағасиз, ушбу машғулотларда ёзилган конспектлар дафтаримни «2013 йилнинг олтин дафтари» дея номладим ва бу мен учун беқиёс қўлланма вазифасини ўташи аниқ. Семинардан сўнг, тумандаги бошланғич ташкилотлар етакчиларини йиғиб, улар учун ўқув-семинар ташкил этдик.

1-мактабгача таълим муассасасида ва 3-умумий ўрта таълим мактабида «Бошланғич ташкилот — касаба уюшмаси ҳаракатининг асоси» мавзуида ўтган семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича Дастур ҳамда бошланғич ташкилот етакчиларининг I Республика Форуми Резолюцияси асосида касаба уюшмалари олдидаги вазифалар белгилаб берилди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

## Обуна — 2014

***Матбуот — халқ минбари. Демак, севимли нашрга айланиш учун ўқувчиларнинг талаб ва таклифлари инобатга олиниши зарур. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган муштарийлар билан юзма-юз мулоқотлар газеталаримизнинг янада ўқишли бўлиши, эл қалбига яқин сирдошга айланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

# Қумуш воҳадаги дилкаш мулоқотлар

Қадимий ва навқирон Хоразмга сафаримиз Урганчнинг янгиланаётган қиёфаси билан танишувдан бошланди. Бизга йўлбошловчилик қилган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова воҳадаги янгиланишлар ҳақида фахру ифтихор билан сўзлаб берди:

— Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида вилоятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорликлардан ёшу қари бирдек хурсанд. Урганчнинг қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. Бир-биридан равон йўллар, кўчалар сони ортиб боряпти. Шаҳримиз дарвозаси саналмиш темирйўл вокзали, мафтункор Ал-Хоразмий кўчаси, Истиқлолнинг 22 йиллигига муносиб туҳфа бўлган «Ёшлар кўли», Шовот каналининг ҳар икки томони касб қилган гўзал манзаралар... Буларнинг барчаси халқимизнинг бунёдкорликда тенгсизлигини, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти қанчалар юксаклигини яққол намоён қилади. Ушбу қурилишлар нафақат шаҳримизга гўзал қиёфа касб этмоқда, балки юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Воҳанинг саноат салохияти юксаляпти, туризм ривожланяпти.

Шовот канали устидаги маҳобатли кўприкдан чор атрофни кузатиб, «Ёшлик» шаҳарчасининг кўркам қиёфасига назар солиб, опанинг фикрларини биз ҳам қувватладик.

Қалбимизни жўшқин кайфият, фахрғурур чулғаганича Урганч Давлат университети томон йўл олдик. Университетнинг янги бунёд этилган тарих факултетида бизни профессор-ўқитувчилар ва илмга чанқоқ ёшлар кутиб туришарди.

Университет тарихи 1935 йилдан бошланади. Дастлаб илм даргоҳи Хоразм ўқитувчилар институти, 1944 йилдан Хоразм Давлат педагогика институти сифатида фаолият кўрсатган.

Истиқлол туфайли илм даргоҳи иккинчи ҳаётини бошлади. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашга қаратилган улкан эътибор бу масканга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1992 йилнинг февралида Президентимиз қарорига биноан Хоразм Давлат педагогика институтига Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети мақоми берилди.

*(Давоми 4-саҳифада).*

**3 декабр — Халқаро ногиронлар куни олдидан**

# Савоб — ҳар кунлик юмуш

***Юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Буни туман ногиронлар жамиятининг иш фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди.***

Жамиятимизда 47214 нафар ногирон ҳисобда бўлиб, улар орасида Афғонистон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭС талафотларини бартараф этишда қатнашганлар, касб касалликларидан кейин ва ёшлигидан ногирон бўлганлар бор. Давлатимиз ва ҳукуматимиз тарафидан биз ногиронларга берилаётган эътибор ва имтиёзларни ҳар доим ҳис этиб турамиз. Айниқса, байрамларда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил қилинаётган тадбирлар қалбларимизга хушнудлик бахш этаётир.

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» шиорини ҳаёт мазмунига айлантирган саховатли, олижаноб инсонлар жуда кўп. Улар тез-тез жамиятимизга ташриф буюриб, 50-60 кишилик дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида гурунг бериб, кўнглимизни обод қилишади. Кези келганда, «Турон-Хўжайли» МЧЖ, Хўжайли туман фермерлар уюшмаси, «Шариф-Шоҳ» МЧЖларини тилга олиб ўтишни истардим.

*(Давоми 2-саҳифада).*

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

Ishonch
2013-yil 30-noyabr № 145 (3338)

# ШҲТ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандликни таъминлаш, айниқса, ёшлар ўртасида бандликни ошириш масалаларини ҳал этиш муҳимлиги, бунда меҳнат, бандлик ва ижтимоий соҳалардаги чора-тадбирларни мувозанатлашган иқтисодий ва молиявий сиёсат билан уйғунликда олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларига эришишидан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

ШҲТга аъзо давлатлар ўз мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада ривожлантириш, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ушбу мақсадларга эришишга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг юқори технологияли ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг инфратузилма, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби муҳим тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мултимодал транспорт-логистика комплексларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташаббусларини маъқуллади.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо барча давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини чуқурлаштириш, жаҳон иқтисодиётида минтақанинг аҳамиятини оширишга қаратилган мулоқотни кучайтириш ва молия-банк ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ушбу мажлисида ШҲТ Тараққиёт банки ва ШҲТ Тараққиёт жамғармасини ташкил этиш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан қабул қилинган қарор муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда транспорт ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши тасдиқланди. ШҲТга аъзо давлатларнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Бу минтақадаги мавжуд транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобидан ШҲТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаоллигини ошириш имконини беради.

Ҳаво, автомобил ва темир йўл қатнови, қурилиш ва мультимодал транспорт-логистика комплексларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобил ташишлар учун қулай шароит яратиш тўғрисидаги битимни тезроқ имзолаш зарурлиги ва бу автомобилда юк ташиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиши қайд этилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликка оид битимларни амалга ошириш бўйича кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мазкур мажлиси доирасида имзоланган ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида юқумли касалликлар натижасида вужудга келадиган эпидемиологик вазият ҳақида ахборот алмашиш дастури муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим, спорт, туризм, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу ШҲТ ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг манфаатлари йўлида маданиятлараро мулоқотни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда ШҲТ Котибиятининг Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш жараёнига доир ҳисоботи маъқулланди, унинг 2014 йилги бюджети тасдиқланди. ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи органларининг молиявий ва ташкилий фаолиятига оид қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси якунлари бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савияда ташкил қилинганини эътироф этиб, Ўзбекистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2014 йилда Қозоғистон Республикасида ўтказилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА махсус мухбири**

# Савоб — ҳар кунлик юмуш

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Мамлакатимизда ишбилармонлик ва якка тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганларга барча шароитлар мавжуд. Биз ногиронларга эса бу борада қўшимча имтиёзлар ва енгилликлар берилган. Ҳозир жамиятимизда 13 нафар киши ўзининг якка тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Улар барча имтиёзлардан тўла фойдаланган ҳолда иш олиб бормоқда. Муҳим жиҳати, иш фаолияти давомида ногиронлар учун бепул хизмат кўрсатиш шартлиги белгилаб қўйилган.

Жамиятимиз 2010 йилда «Ногиронларни компютер технологияларига ўқитиш ва касбга ўргатиш» номли лойиҳаси учун Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 10 миллион сўмлик давлат грантини ютиб олган эди. Жорий йилда 13 млн. 500 минг сўмлик иккинчи грант ҳам насиб этди. Ушбу грантлар асосида жамиятимиз қошида янги иш ўринларни ташкил этишни режалаштираяпмиз.

Жамиятимиз аъзолари ичида иқтидорли болалар ҳам бор. Мисол учун Садриддин Нурметов Хўжайли шаҳар 70-умумтаълим мактабининг 5-синфида ўқийди. У иқтидорли ногирон болалар орасида ўтказилган «Мафтункор ранглар олами» бадиий-ижодий кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Бадиий академиясининг диплома ва қимматбаҳо совғаси — рангли телевизор ва DVD билан мукофотланди.

Биз бундан буён ҳам сафимиздаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, иқтидорли ёшларимизни ҳар тарафлама рағбатлантириб бориш ниятидамиз.

**Бахтжон ЕСБОСИНОВ,**
**Хўжайли туман ногиронлар жамияти раиси**

***Термиз шаҳрида иш бошлаган «Dionis-Surxon» масъулияти чекланган жамияти полиэтилен халтачалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўнга яқин киши доимий иш билан таъминланган корхонада олти турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.***

**Суратда:** *корхона ишчиси Бахтиёр Жумаев.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат**



# Самарали сабоқлар

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Айтиш жоизки, Китоб туманидаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари асосида намунали ташкил этиш юзасидан кўпгина ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, бир нечта бошланғич ташкилотларимизда касаба уюшма қўмиталари учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар зарур жиҳоз ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Касаба уюшма ташкилотларида электрон ҳужжат айланиш тизими йўлга қўйилди.

Нодавлат сектордаги корхоналарни касаба уюшмасига жалб қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш натижасида туман кенгаши аъзолари сони ошмоқда. Сўнгги ойларда «Ватанпарвар» ташкилоти Китоб туман кенгашига қарашли Макрид ўқув-спорт техника клуби, «Янгиобод зийнати» фирмаси, туман футбол федерацияси, Қашқадарё вилоят «Муай-тай» федерациясининг туман бўлими каби нодавлат ташкилотлар ходимлари касаба уюшмасига жалб этилди. Барча нодавлат сектордаги ташкилотларимизни зарур тавсиялар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминладик.

Яна бир гап. Обод турмуш йили тадбирлари режасига мувофиқ, жорий йилнинг ортда қолган ўн ойи давомида 66 нафар кам таъминланган ходимга моддий ёрдам берилди, 52 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун санаторий йўлланмалари ажратилди. Педагогларнинг 210 нафар фарзанди «Зиё чашмалари» ва Мирзо Улуғбек оромгоҳларида дам олдирилди. Бундан ташқари, «Билимлар беллашуви» ва Фан олимпиадаларида ғолиб бўлган 18 нафар иқтидорли ўғил-қиз интеллектуал оромгоҳда ҳордиқ чиқарди.

Тумандаги олтита касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей кенгашимиз тасарруфида бўлиб, ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида турли тадбирлар уюштириш бўйича яхши анъаналар шаклланмоқда. Хусусан, икки нафар иқтидорли коллеж ўқувчиси касаба уюшма стипендиясини олса, таълим муассасаларида амалиёт ўтаган 37 нафар кам таъминланган битирувчига бир марталик моддий ёрдам берилди. Муассасаларимизда иш бошлаган тўрт нафар иқтидорли битирувчига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

50 нафар ходим Бухорога, яна шунча педагог Термиз шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

«Ishonch» газетасига 2014 йил учун 80 та обуна уюштирдик. Севимли нашримизни йил бўйи ўқиб боришга иштиёқмандлар эса ҳали жуда кўп.

Айни пайтда Ўзбекистон Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб, касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатадиган ходимлар ўртасида спорт мусобақаси ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз.

**Баҳриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига**

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қарорларнинг қабул қилиниши корхона, ташкилот муассасаларда меҳнат қилаётган аёлларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.***

# Ҳуқуқий саводхонлик сари

Касаба уюшма ташкилотлари таркибида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятининг йўлга қўйилиши, соҳада дадил қадам бўлди. Турли жабҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, оила ва жамиятдаги ўрнини кўтариш, иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурлари ва касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада жонлантиришда ушбу комиссияларнинг роли беқиёсдир.

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида конференция ташкил этди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотларнинг фаол аёллари иштирок этди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсадимиз давлат ва нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларда уларнинг иштирокини янада жонлантиришдан иборатдир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Г.Абдуллаева. — Корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларига киритилган имтиёз ва кафолатларга асосан 2287 та корхонада кам таъминланган оилалардаги 10 мингдан зиёд аёлларга 514,1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 208 та ёш оилага 3312,9 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилди. Бундан ташқари, 3701 та корхонада 10111 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига 570 млн. сўмлик моддий кўмак уюштирилди.

Конференцияда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Парпиевнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш — устувор вазифа», вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси вакили Ж.Матмусаеванинг «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда амалга оширилаётган ишлар», «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Ф.Темированинг «Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда жамоа шартномаларининг имкониятларидан фойдаланиш амалиёти» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, конференцияда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолияти таҳлил этилиб, мавзуга доир турли таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, кенг муҳокама қилинди.

— Бугунги конференция бошланғич ташкилотларда фаолият юритаётган касаба уюшма раислари учун ҳуқуқий саводхонлик мактаби бўлди, — дейди «Фусункор» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Тешабоева. — Корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг 27 нафарини аёллар ташкил этади. Жамоа шартномасида аёллар учун турли имтиёзлар мавжуд. Жумладан, бизда аёллар иш вақти бир соатга қисқартирилган. Шунингдек, санаторийларга йўлланмалар борасида ҳам имтиёзлар бор. Бу йил 40 нафар ишчи-ходимларимиз санаторийларда дам олиб қайтди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Юртга таянч,

***Кўплаб жабҳаларда намунали саналган Хатирчи туманида юз бераётган ўзгаришларда фидойи инсонларнинг меҳнати мужассам. Ҳудудда кейинги икки йилда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Марказий шаҳарчага элтувчи ички ва айлана йўллар кенгайтирилиб, икки томонлама ҳаракатлар тартибга солинди. Тунни нурафшон этгувчи биллур чироқлар ўрнатилиб, пиёдалар ҳаракатланиши учун алоҳида йўлаклар барпо этилди. Яқин-атрофда тоза ичимлик суви кириб бормаган хонадон қолмади. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида ниҳоясига етказилаётган 34 километрлик ичимлик суви тармоғи оилаларни файзиёб қилди. Йўл четларида кўркам бинолар, хизмат кўрсатиш шохобчалари қад кўтараётир.***

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида бўлганимизда, Бахтиёр Раҳимовнинг «Қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖга қарашли пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари билан суҳбатига гувоҳ бўлдик:

— Аҳмаджон ака, юзимиз ёруғ бўлди. Обод турмуш йилида 60 та замонавий турар жойнинг айтарли барчасини ўз эгаларига фойдаланиш учун топширдик. 2014 йилда ҳам яна 60 та ана шундай сифатли ғиштин уйлар лойиҳаси тасдиқланган. Агар умумий ҳисоб-китобларга таяниб айтадиган бўлсам, янги йилда ҳам 12 миллион дона сифатли ғиштга эҳтиёжимиз бор.

— Бу масала ечими бўйича ҳозирдан қайғураяпмиз, — деди корхона раҳбари. — Сув қудуқларини қайта таъмирлаб, 24 та хумдоннинг узлуксиз ишлаши учун етарли кўмир захирасини ҳозирлаб қўйдик. Уялтириб қўймаймиз.

Катта йўл бўйлаб борар эканмиз, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ижобий самара келтираётганига яна бир карра амин бўлдик. «Галабек», «Янги», «Қайиш», «Тамабаҳрин» мавзеларидаги янги уйлар, обод гузарларда яшаётган аҳолининг ҳаётдан мамнунлигини қалбдан ҳис этдик. «Туркман» маҳалласидаги янги ҳовлиларда довдарахтлар ҳосилга кириб, ён-атрофлар чиройли гулзорларга айлантирилган. Барча шарт-шароитга эга хонадонларда хурсандчилик. Ўтган ҳафтада гузардаги икки хонадонда ҳовли тўйи нишонланган экан. Ҳозирда яна бир оилада келин туширишга тараддуд кўриляпти. Тўйлар тўйларга уланаверсин. Истиқлол шууридан тафт олаётган кўнгиллар обод бўлаверсин.

## СОАДАТМАНДЛИК

Оилалар тинчлиги, осойишталигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Ночорларга ёрдам қўлини узатиш, қувончли ва мушкул дамларда халқ орасида бўлиш чинакам элпарвар оқсоқолларга хос фазилат.

«Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг қуйи босқичида биринчи ўрин «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. Айтиш жоизки, маҳалланинг бир ёнидан Зарафшон дарёси, иккинчи ёнидан «Тос» канали ўтган. Одамлари ҳам гўзал хулқли. Бу ерда бекорчи кишининг ўзи йўқ. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат-икром кўрсатишга барча одатланган. Келинг, қолган гапларни совриндор маҳалла сардори Абдиҳошим Машғулотовнинг ўзидан эшита қолайлик.

— 14 йилдан буён шу меҳнаткаш эл билан ҳамнафасман, — дейди оқсоқол. — Маҳалла биносини ҳашар йўли билан барпо этдик. Барча ишда, аввало, аҳиллигимиз қўл келмоқда. Нимаики қилмоқчи бўлсак, маҳалла аҳли манфаатини кўзлаймиз. Бамаслаҳатликда иш кўриб, ҳашар йўли билан қишлоқ врачлик пункти филиалини ҳам қуриб, ишга туширдик. 2010 йилда ҳудудимизда янги лойиҳа асосида янги мактаб барпо этилди.

Оилавий тадбиркорлик ривожлантирилди. Бунинг эвазига 70 тага яқин иш ўрни яратилди. Коллежни битирган Зебо Мардиева деган қизимиз қишлоғимизда тикувчилик цехини ишга туширди. Шунингдек, торт ҳамда турли пишириқлар тайёрлаб, қизларга пазандалик сир-асрорини ҳам ўргатиб келмоқда.

Тўйларни камчиқим, ихчам ўтказишнинг аниқ тартиби белгилаб олинган. Ёш оилалар орасида кейинги 2 йилда бирорта ажралиш рўй бермади. Майда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик жойида бартараф қилиниб, ортиқча муаммоларнинг юзага келишига сабаб қолдирилмайди.

Маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли «Қовоқ» қишлоғида бўлганимизда, аҳоли томорқасининг ҳар бир қаричи эътиборда эканлиги бизни қувонтирди. Камолиддин Мирзаевнинг 8 сотихлик иссиқхонасида лимон қулф уриб пишган. Аслиддин Абдусалимов, Юсуф Нурмуродовларнинг даромадлари ҳам лимончи йигитникидан кам эмас. Гузар оқсоқоли Саидобид Асомовнинг гувоҳлик беришича, ҳудудда тош тўкилмаган бирорта ҳам ички йўл қолмаган. Сел йўлидаги емирилиш хавф сола бошлаганда бир ҳафталик ҳашар ташкил этилди. Натижада тупроқ ва тош аралашмасидан тўсиқ қилиниб, хавфнинг олди олинди.

